



## КУЛ УБАЙДИЙ ХУСУСИДА

Тарих шуни кўрсатадики, хонлар билан хонларнинг фарки бор, беклар билан бекларнинг, амирлар билан амирларнинг. Бирлари ўзидан яхши ном колдириш учун курашган ва яшаган бўлсалар, иккинчилари кўп вакт ўз турмушини, бойлик орттиришни, бор нарсаларни хам бузишни, йўқ килишни ўйлаган, яратувчилик гоясидан узок бўлган.

Бухоро хокими Махмуд Султоннинг ўгли Убайдуллохон ибн Махмуд Султон эса бир томондан шайбонийлар сулоласининг йирик намоядаларидан бири бўлиши, хокимият учун бўлган жанг жадалларда фаол катнашиши билан бирга ўз даври маданиятининг катта арбоби, XVI аср ўзбек адабиётининг йирик вакили хам бўлган, ўз хаётининг бирон кунини шеърсиз, шеър мутолаасисиз кечирмаган, ўзидан кейинги авлодларга ўзбек, форс ва араб тилларида бир неча девон колдирган.

Урта Осиё халклари сиёсий тарихида Убайдуллохоннинг энг катта хизматларидан бири шундаки, у Исмоил Сафавий бошлиқ эронийларнинг, тарихчи Хофиз Таниш Бухорий тили билан айтганда, «кизил бошлар»нинг хужумларини дафъ этиб, Мовароуннахри уларнинг истибдодидан саклаб колди. Шайбонийхоннинг фожиали ўлемидан кейин шайбонийлар орасида маълум даражада маънавий парокандалик юз берди. Убайдуллохоннинг харбий махорати ва жасорати, унинг давлат арбоби сифатида каттикўллиги туфайли сафавийлар кўшини оркага чекинди. Уларнинг Ўрта Осиё шахарларини киргин килиши, талаши тўхтатилди.

Убайдуллохон Шайбоний хукмдорларидан Кўчкинчпхон (1510-1530), унинг ўгли Абусаид (1530-1583) хукмронлиги даврида уларнинг ноibi, 1533-1539 йилларда эса хон кўтарилиб, мамлакатни бошкарди. Хофиз Таниш Бухорий ўзининг «Абдулланома» деган асарида ёзишича:

«Унинг давлати ва халофати замонида Мовароуннахр, айникса, Бухоро вилояти гуллаб яшнади». (Хофиз Таниш Бухорий, Абдулланома Т., 1966, 110-бет). Шу даврда унинг маблагига машхур Мир Араб мадрасаси курилди. Убайдуллохон 1539 йили вафот этган бўлиб, унинг хоки шу мадраса хоналаридан бирига кўйилган. Убайдуллохон хам ўз даври хукмдорларидан Хусайн Бойкаро, Шайбонийхон, Захриддин Мухаммад Бобир каби муттасил шеърий ижод билан шугулланиб, шеърларига «Убайдий», «Кул Убайдий» тахаллусларини кўллар эди. Убайдий туркий, форсий ва арабий тилдаги шеърларидан уч девон тузиб, уни китоб холида бир мукова ичига жойлаштирган. Бу девоннинг ягона кўлёзма нусхаси 1583 йилда Мир Хусайн ал-Хусайний томонидан кўчирилган, котиб уни «Куллиёт» деб атаган. Бу кўлёзма Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги

Шаркшунослик институтининг кўлёзмалар фондида инвентар № 8931 билан сакланмоқда.

Убайдийнинг ўзбек тилидаги девонида 310 дан ортик газал, 485 дан зиёд рубоий, 21 китъа, Вафо килсанг (девон). Кул Убайдий 13 туюк ва бошка шеър турлари — нотма, муаммо, маснавий, хикмат, таржеъбандлардан намуналар мавжуд. Шоирнинг бой адабий мероси хали маҳсус ўрганилмаган. Убайдийнинг ўзбек тилидаги девонини дастлабки ўрганиш шуни кўрсатадики, бу девон бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унда кофияси «алиф»га оид 44, «коф»га оид 13, «нг»га оид 26, «л»га оид 9, «м»га оид 15, «н»га оид 58, «ёй»га оид 85 газал мавжуд бўлгани холда «б», «п», «с» (син) «х», «х», «ж»,

«д», «р», «сот», «зот», «итки», «изги» каби харфларга оид газаллар йўк. Бу шуни кўрсатадики, девоннинг каттагина кисми йўколган.

Шунга карамай, мазкур девон Убайдийнинг катта шеърий истеъодидан дарак беради.

Унинг газал ва робоийлари, китъа ва туюклари ўзбек шеъриятининг катта ютуклари бўлиб, улар бир канча ўзига хос хусусиятларга, нозик услугуб кўринишларига эга. Убайдий шеъриятида ўзига хосликка, оригиналликка интилиш устун. Шоир шеърий услубида соддаликка мойиллик, ўз фикрини мумкин кадар халк тили билан баён этишга уриниш мухим ижобий холдир.

Убайдий хукмрон сулола вакили бўлса хам, унинг хаёт йўлини силлик, факат зафарлардан иборат деб тасаввур этиш тўгри эмас. Газалларипинг бирида: Бир лахза кўнгул ўлмади бегам замонадин:

Тўйди замона мендину мен хам замонадин,—

деб тортган ноласининг ўзиек замонаси дарду гами, низою фитнасидан озор топганлигини кўрсатиб турибди.

Шунинг учун биз Убайдийнинг ўша мураккабликлар ва зиддиятларга тўла даврдаги фаолиятида амалдорлик па хукмдорликка интилишга нисбатан маънавий камолотга интилиш, шеърият ва ижодга интилиш устун бўлган деб хулоса чикарсак хато бўлмайди. Убайдий ижодини ўрганиш адабий меросга бир ёклама синфий муносабацада бўлишнинг курбони бўлиб келди. Бундан буён биз Убайдий адабий меросини жиддий ўрганиш учун биринчи яавбатда унинг асарларининг матн хусусиятларига алоҳида ахамият бермогимиз керак.

Бизнинг тушунишларимиз шуни кўрсатадики, Убайдийнинг ўзбекча девони ягона ва чала бўлиши билан бирга айрим матний нуксонларга хам эга.

Лекин, нима бўлганда хам, биз бу ноёб истеъодод эгасининг уч тилдаги асарларини атрофлича ва ихлос билан ўрганишга, чаргиб этишга киришмогимиз зарур. Шу ўринда биз Убайдий шеъриятидан кичик бир гулдастани китобхонлар диккатига хавола этар эканмиз, бу шоир шеърларини нашрга тайёрлашда илк тажрибалардан биридир.

**Абдуқодир ХАЙИТМЕТОВ,**

филология фанлари доктори, профессор.

## Вафо килсанг (девон). Кул Убайдий

### ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Бўлди ул вактки, Одамга вужуде пайдо,  
Килди иззат юзидин анга сужуде пайдо.

Анда не шохиду машхуду шухуде бор эди;  
Бўлди ул икки била анда шухуде пайдо.

Мутриби нагма била анда суруде йўқ эди;  
Нагма-у мутриб ила килди суруде пайдо.

Кудрат илки била, ёраб, сен ўзунгсен илгон  
Буди йўкларга азал мулкида буде пайдо.

Шамъ ила ўт бошида дуд килиб пайдо сен,  
Килмадинг лола-у гул ўрнига дуде пайдо.

Бўлмади хасрат ва андуху зиёндин ўзга  
Даҳр бозорига куфр ахлига суде пайдо.

Яна Одамга худо лутфи, Убайдий, бўлгоч,  
Кўрки шайтондек анга бўлди хусуде пайдо.

\* \* \*

Хосили кавну макон кўюнгда бир хасдур манга,  
Ушбу химмат икки олам ичиди басдур манга.

Хам кўрунмас ер юзи бир тирнокчаким,  
Етти кўк айвони бир токи муарнасдур манга.

Гулшани хуснунг тамошасин тилармен хар замон,  
Бу гулистондин гараз ул икки нар gasdур манга.

Сунбулу гулдин гараз рухсору зулфидир анинг,  
Сарв тубидин мурод ул сарви наврасдур манга.

Эй Убайдий, чун либоси факт ила хушхолмен,  
Бул хаваслардек качон парвойи атласдур манга.

\* \* \*

Бахор айёми сахро лолазор ўлди, диёр анда,  
Нечаким ишрат асбобин тиласиз, барча бор анда.

Кезар гулшанарап еру килермен нола гулханда,  
Ажабтур буки, булбул мунда-у ул гулузор анда.

Замона гарчи ойирди мени дилдор кўйидин.  
Кўюб кеттим ўз ўрнимга кўнгулни ёдгор анда.

Кўз учун тўтиёдур остоning туфроги элга:  
Манга басдур бу давлатким, бўлубмен хоксор анда.

Берурда номаи аъмолики махшарда хар кимга,  
Убайдийни, худоё, килмагайсен шармсор анда.

\* \* \*

Ошик эрмастур киши девона бўлмаса,  
Гам дашти ичра сокини вайрон бўлмаса.

Не ошик ўлгай ул кишиким, жону кўнглини —  
Ўз дилбарига сарф этиб, афсона бўлмаса.

Келмас ўзига ошики мадхуш, сокиё,  
Оху фигону наъраи мастона бўлмаса.

Бўстон аро очилмагуси гуначдин кўнгул,  
Гул мавсумида бодаю паймона бўлмаса.

Гам кулбасида найлагай эрдинг, Убайдий,  
Сокию жому мутрибу паймона бўлмаса.

\* \* \*

Гулшани жон ичра бир сарви хиромондур манга.  
Бир балолик, икки сўзлук офати жондур манга.

Истамон зоҳид киби фирмавси ризвон гулшанин;  
Гулшани кўйи анинг фирмавси ризвондур манга.

Дилбаримдин айру бормен ишратобод элгаким,

Шодмонлиг эви, эй сиз, байтул-эхзондур манга.

Мен күнгүл дардига йиглармен, күнгүл хам холима;  
Мен анга хайронману ул доги хайрондур манга.

\* \* \*

Нече гам ўти билан кўйгай кўнгүл хижрон аро.  
Жон доги хайрон бўлуб бу водийи хирмон аро.

Новаки мижгонидин кўнглум фигор ўлмай нетар;  
Найласун бир норвоне юз туман пайкон аро.

Хусн боги ичра йўктур сен киби гулчехрае;  
Булбули ошифта холе мен киби бўстон аро.

Суратин жонима килдиму кўнгүл лавхida накш,  
Тушкали акси жамоли дийдайи гирён аро.

Эй Убайдий, шахсуворинг зулфи чавгони била,  
Дар тараф чопса кўнгүл гўйин ураг майдон аро.

\* \* \*

Ер бўлди яна ул ёри вафодор манга.  
Эмди, эй ахли вафо, не килур агёр манга.

Нетайин жаннату гулзорни, эй тоза жавон?  
Менсизин дўзах эрур жаннату гулзор манга.

Гар кадам ранжа килиб бошима, эй сарвиравон,  
Келмасант, ахли гараз еткуур озор манга.

Килмайин меҳри вафо, айлади юз жавру жафо,  
Аллах, Аллах! Не жафолар киладур ёр манга!

Борайин мулки адам сори, Убайдий, эмди,  
Ерсиз оламу одам аро не бор манга.

\* \* \*

Чорайи гам килгали рамхорайи йўктур менга,  
Бас ажаб бечорадурмен, чорайи йўктур менга.

Мотамимда гул киби йиртиб яко, ўтлар чекиб,  
Холима йиглаб туурмэн, чорайи йўктур менга.

Күзуму күнглум тиларким, — күрсам ул хуршидни?  
Гарчи харгиз токати наззорайи йўктур менга.

Телбараб, овора бўлмай найлай, эй фарзоналар,—  
Ким кўнгул саклар пари рухсорайи йўктур менга»

Ул париваш дер эмиш ўхшар Убайдий телбага,  
Бодийи ишқ ичра бир оворайи йўктур менга.

\* \* \*

Кўзларингга бўлсун икки чашми гирёним фидо;  
Хам баҳори оразингга гулшани жоним фидо.

Жилвагар каддинг кўруб гулшанда деди бoggон;  
— Бўюнга бўлсун менинг сарви хиромоним фидо.

Жону кўнглумким, бўлубтур зору хайрон бўюнга,  
Турра-у холингга ул хам зору хайроним фидо.

Жону кўнглум bogу бўстоним дурур, Эй сарвноз?  
Гулшани кўюнгга бўлсун bogу бўстоним фидо.

Эй Убайдий, ул суманбар келса гулзорим сари,  
Сарви озодига онинг хар не бўлгоним фидо.

\* \* \*

Гилар бўлурни кўнгул ёри гамгузори била;  
Ажаб саодат эрур бўлса ёр ёри била.

Узорини ёшуруб, гулни ташлади «Ол!» деб;  
Не ол этар манга ул сарви гулузори била.

Карор кўйида кўнглум тутуб турур, лекин —  
Кўярдек эрмас они чарх бир карори била.

Зарурат ўлмаса, жоно, хазин кўнгул сендин,  
Тиларму бошка бўлурни ўз ихтиёри била.

Фигонки, васлинга етмай хазин Убайдийнинг,  
Тамоми умри фирокингда кечти зори била.

\* \* \*

То алифдек жон ўки сончилмас эрмиш жон аро,

Васл кадрин билмас эрмиш хеч ким хижрон аро.

Эй фалак, махрум этеб үл ой жамолидин мени,  
Нече саргардон килурсен водийи хижрон аро.

Сарвдек гар бўлмасанг, эй кадди раъно, жилвагар,  
Сарвқадлар бўйига солмон назар бўстон аро.

Кўймайин бир катра ичгумдур лаби ёди била —  
Давр аёкин, сокиё, тутсанг манга даврон аро.

Эй Убайдий, фол очсам фатх бобига келур, —  
«Фар» ила «Инна фатихно» сураси Куръон аро.

\* \* \*

Эй ёш, кўзум ёши йўлидин гузар айла,  
Дурлар сочадур йўлунга кўзум, назар айла.

Эй гул, заканинг олмаси нахлингга самардур,  
Халка этибон зулфни, барги самар айла.

Кўнглин каро ер айлабон агёрнинг, эй ёр,  
Они ва хаводорини ондин батар айла.

Сени деб эшикинда кўнгул хор юрийдур;  
Эл кошида лутф айлаб, ани муътабар айла.

Кўнглумни Убайдий каби, эй сокийи гулрух,  
Лаълинг майидин масти килиб бехабар айла.

\* \* \*

Сабзаи хаттин кўруб, дерменки, берсам жон анга,  
Ким хатидур Хизру манзил чашмаи хайвон анга.

Кўрмадим бир зарраи мехр үл куёшдин, эй рафик,  
Мунчаким кўнглум фалакдек бўлди саргардон анга.

Васли кўнглумнинг насиби бўлмогидин англадим,—  
Ким насиб ўлмиш азалдин меҳнати хижрон анга.

Чун кўнгулдин чикса хижрон кечаси охим ўти,  
Гунчадек ўтлук кўнгулдур оташин пайкон анга.

Эй Убайдий, холатингни йиглабон ёр олдида —

Ошкор этмак не хожат чун эмас пинхон анга.

\* \* \*

Гул сори килмон назар зебо жамолинг борида.  
Кўзга олмон сарвни нозик нихолинг борида.

Килмади хусн ахлига харгиз вафо хусну жамол,  
Кил вафо, эй бевафо, хусну жамолинг борида.

Истамон хайвон суйин, босмон, доги ичмон ани,  
Дамбадам жон бергучи ширин зилолинг борида.

Хар сори килса азимат, боргил ул дилдор ила,  
Колма зинхор, эй кўнгул, андин мажолинг борида.

Эй Убайдий, ул париваш васлини килгил хаёл,  
Килмагил ўзга хаёл ушбу хаёлинг борида.

\* \* \*

Килди кўнглумни кўзум зору гирифтор санга.  
Кошки солмагай эрдим назар, эй ёр, санга.

Яна сиррингни, кўнгул, жон аро асраб мендек,  
Бўла олгайму экин маҳрами асрор санга.

Мунчаким кон тўкасен кўрмак учун дийдорин,  
Эй кўзум, борму экин токати дийдор санга.

Хўблар ичра яна учрамиш, эй хаста кўнгул,  
Рахмсиз, вах, не ямон шўхи ситамкор санга.

Эй пари чехра, мени зор Убайдий янглиг  
Кшгай девона кўнгул зор санга. зор санга.

\* \* \*

Бодадин бир йўли ўтубтурбиз.  
Бода ичмакни унутубтурбиз.

Лабининг хасратида жон бирла  
Вах, не хунобалар ютубтурбиз.

Ўйнабон гайр ила вафо нардин,  
Накшлар айтибон ўтубтурбиз.

Жонга бор жаври, мөхри йүклардин  
Бир йўли ўзни совуттурбиз.

Эй Убайдий, каро кўзида(н) йирок,  
Хажрида гўшае тутубурбиз.

\* \* \*

Бўлмишам хайрону билмас ул бути раъно хануз,  
Бодийи хайрат аро мен телба саргардон хануз.

Жон етибдур оғзима хажр илгидин, эй дўстлар,  
Мен ўлар холатдаю раҳм айламас жонон хануз.

Х.анжарининг лоладек багримда бўлгон холидек,  
Тинмайин сувдек равон бўлуб окодур кон хануз.

Курутуб оғзимни ул гул даврида билмон недин,  
Манга сунмасдур аёгин сокии даврон хануз.

Эй Убайдий, барчага бўлди сару сомон, vale,  
Мен юрурмен телбалардек бесару сомон хануз.

\* \* \*

Ўртанур хажр ўтига жисми фигорим сенсиз.  
Куядурмен, нетай, эй лола узорим, сенсиз.

Равнаки бугу баҳорим эдинг, эй сарви сехи,  
Топмади нашву намо бугу баҳорим сенсиз.

Хар неча кўқдин ўтуб бузди малойик кўнглин, —  
Оху афғоним ила нолаи зорим сенсиз.

Туфрогим соврулубон чикти куюндеқ, эй сарв,  
Сарсари хажр ила гардунга губорим сенсиз.

Сабр этиб килмас эдим нола Убайдий ёнглиг,  
Йўқтурур, вах, нетайин сабру карорим сенсиз.

\* \* \*

Очилди умр нихоли гули нихоятсиз,  
Вале не судки, гам мева берди гоятсиз.

Не тавр одаме бўлгон жаҳонда андинким,  
Шикоят этмагай эл бўлмагай шикоятсиз.

Хадису оят ила уз нафас хакикатдин,  
Ким андин ўлмас уруб дам хадису оятсиз.

Жиноят ахлига кўп таъна урмагил зинхор.  
Йўқ ул сифат кишиким бўлмагай хиёнатсиз.

Убайдий, иста хидоят худодин сен, йўқ эса,  
Етишса бўлмас анинг васлига хидоятсиз.

\* \* \*

Ёр истамаки, олам аро ёр топилмас.  
Топилса даги мушфику гамхор топилмас.

Ахтарсанг агар бир яратиб икки жаҳоняи,  
Мендек сенга бир зору гирифтор топилмас.

Хушёр нетарсен тилабон, эй кўзи усрук,  
Мастона кўзунг даврида хушёр топилмас.

Кўп ёр агарчи топилур сенга валекин,  
Жон бергучи мен каби вафодор топилмас.

Дийдор ганимат туур,— эй телба Убайдий,  
Дийдоридин айрилмаки, дийдор топилмас.

\* \* \*

Соҳир кўзининг мардумин инсон деса бўлмас,  
Ул кофир зур, они мусулмон деса бўлмас.

Жисмим аро жон ўрнида жононим эрур жон,  
Жон деса бўлур муни, ани жон деса бўлмас.

Зулфи не бало озр кўнгулларни йигибтур,  
Жамъияти бор асрุ паришон дсса бўлмас.

Мажнунднн эрур бесару сомонлигим афзун,  
Кошимда они беасру сомон деса бўлмас.

Нодон дема Мажнун ишини,—деса Убайдий,  
Окил кишини жахл ила нодон деса бўлмас.

\* \* \*

Мехрибонлигдин дединг:— «Бир нотавоним бор эмиш». Шукри лиллахким, сенингдек меҳрибоним бор эмиш.

Васлинг айёмида хам кон йигладим то билгасен. Ким фирокингда ани чашм хунфишоним бор эмиш.

Уртади оламни охир оху афгоним ўти; Вах, не ўтлук нола-у оху фигоним бор эмиш.

Фитна солур хар дам ул ошуби жоним, дахр аро; Не балолиг офати жону жаҳонпм бор эмиш.

Эй Убайдий, фитна солмок халк аро хўдур анга; Вах, не баджў, фитнаи охир замоним бор эмиш.

\* \* \*

Хотиринг гам илкидин мен зор учун афгор эмиш. Шукрким, оламда сендеқ гамгузорим бор эмиш.

Телба кўнглум бошида жўлида соч эрмаским ул, Кушлар анда ошиён айларга йиккон хор эмиш.

Ишк аро гарчи балолар кўп, vale ишк ахлига Боридин онинг ямонрок хажр ила агёр эмиш.

Дер эдим кўнглумдин ўзга зор шояд бўлмагай; Нотавон кўнглум киби кимни кўрдум, — зор эмиш.

Ердин килмай гила, нетсун Убайдийким, ани — Васлидин маҳрум этиб, хижронга солгон ёр эмиш.

\* \* \*

Умрлар айлаб саломат сўзларин ўздин йирок, Бўлмадим харгиз саломат ахлидек сўздин йирок.

Шомдек зулфунгни олгил субҳ юздин, — дедим; Дедиким бўлгон эмастур кеча-кундуздин йирок.

Кўзни, билмон, нега юмдум васл айёмидақим, Кўз юмуб очкунча бўлдум ул каро кўздин йирок.

Кўймади бир дам вафосиз чарх, килмай окибат, —

Зарра янглиг, вах, ўшал хуршиддек юздин йирок.

Кўзлари сайёрасидин бошка кўрмай юзи,  
Эй Убайдий, кўрса бўлмас ойни юлдуздан йирок.

\* \* \*

Бир париваш ишкида девона бўлгон яхширок,  
Ишк аро Мажнун киби афсона бўлгон яхширок.

Дахри дун маъмурасидин бир йўли кўнгул узуб,  
Чугз янглиг сокини вайрона бўлгон яхширок.

Савмаа таркин килиб, майхона сори бору кўр,  
Ким харифи согару паймона бўлгон яхширок.

Ошно килгон балога бизни аклу хуш эрур.  
Эмди аклу хушдин бегона бўлгон яхширок.

Йўқ турур бир шодлигким, сўнггида гам бўлмаса,  
Эй Убайдий, гам била хамхона бўлгон яхширок.

\* \* \*

Килич кофир учун кўлга не хушдур мустадом олмок,  
Билингким, борчага фарз этмиш ондин интиком олмок.

Тазаккур бирла ибрат оламида давлатедурким,  
Хамият ахлидин панду насиҳатлар давом олмок.

Харом олмокни кўюб, зухд ахлидек халол иста,  
Халол олмок боринда яхши эрмастур харом олмок.

Качонки бадлигидин ўзини кимки ўткарса,  
Насиб ўлур анга жаннат мудомидин дом олмок.

Магар рухул-кудс-файзи асар килса Убайдига,  
Не чоглиг иш дурур анга жаҳон мулкин тамом олмок.

\* \* \*

Эй кўнгул, килма тамаъ ул дилситондин яхшилик,  
Нотавон жонимга ул ошуби жондин яхшилик.

Эл ичинда яхшилик кўрмаймен ондин,— дер эдим.  
Эй кўнгул, мен кўрмадим ким кўргай ондин яхшилик.

Эй гули раъно, хазар кил охи сардимдин мудом,  
Хеч гул кўрган эмас боди хазондин яхшилик.

Мехрибонлик кўрсатиб, кўнглумни олди окибат,  
Шукри лиллах, кўрдум ул номехрибондин яхшилик.

Эй Убайдий, яхшилик, кўз тутмайин, не бок, мен,  
Не умид этгай киши мендек ямондин яхшилик.

\* \* \*

Неча хамдамлик килиб базмимда ўлтургай фирок,  
Неча гам дурди била жомимни тўлдургай фирок.

Сўнгаким гар тошдин ўлсаким, губор айлаб ани,  
Хар сари гам гирдибоди бирла тўздургай фирок.

Ойириб кўнглумни андин юз паришонлик била,  
Бу хаёли борки, гам хайлига тобшургай фирок.

Эй кўнгул, ул коши «ё»дин айру ношод айлабон,  
Нотавон жонимга неча гам ўкин ургай фирок.

Ким килиб маҳзун Убайдий кўнглидин сабру карор,  
Вах неча жавру жафони хаддин ошургай фирок.

\* \* \*

Санга не бўлгай анинг оллида вафо килсанг,  
Вафо юзудин анга мени ошно килсанг.

Ики жаҳон гамидин бир йўли кутулсанг, агар —  
Кўнгулни халкаи зулфунгга мубтало килсанг.

Висоли-ла кувонур гайр, эй фалак, нетти —  
Фирок дуди била юзини каро килсанг.

Ракиб кўзума, тонг йўқ, хасаддин агар —  
Вафо килиб анга мардум, манга жафо килсанг.

Замона мултафитин найласун Убайдий, агар —  
Карам юзидин ўзунгга ани гадо килсанг.

\* \* \*

Басе, фарогати бор, дўстлар, гадолигнинг;

Бало-у меҳнати кўп асру подшолигнинг.

Ато-у лутфунг агар элга бўлмас, ёраб,  
Йўқ анда фоидаки зуҳду порсолигнинг.

Хакикатин кишининг билмай ошно бўлманг,  
Ки окибат, зарари бор ул ошнолигнинг.

Не бўлди килсанг ўйин тарк бевафолигни:  
Ямондур охири шўхи бевафолигнинг.

Фигонки, ишқ мени окибат Убайдийдек  
Асиру шефтася килди бир балолигнинг.

\* \* \*

Жон фидо килмай санга найлайки, жонимсен менинг.  
Жон била кўнглумдин ортуқ дилситонимсен менинг.

Хоҳ кил меҳру вафо, хоҳи вафо-у жавр хам;  
Меҳр йўқ маҳвашлар ичра меҳрибонимсан менинг.

Эй хаётим санга, жисмим эвида жон нақдини —  
Сарф килсан, айб эмаски, меҳмонимсан менинг.

Хамдамимдур фигон айларда, эй жон булбули,  
Нола айлаб, ох урап-у хамзабонимсен менинг.

Жонфизо лаълинга жон берсан Убайдийдек хануз  
Ёвар этмас хўйи бебок, бадгумонимсен менинг.

\* \* \*

Мени, эй шўх, ўртади макр ўтига олинг\* сенинг;  
Рўзгоримни каро килди хати холинг сенинг.

Не эди холим кўруб катлимга эхмол айламак;  
Эй кўзи котил, мени ўлтурди эхмолинг сенинг.

Бош яланг кўрсанг мени, айб этма, эй лайливашим,  
Бормен ушшок аро Мажнундек абдолим сенинг.

Бўлмайн помол ўлуб, бўлмас аёгинг туфроги;  
Кошки бўлгай эдим, эй сарв, помолинг сенинг.

Кўрдум ахволингдин ит ахволини кўп яхширок;

Эй Убайдий, ишк аро бу бўлса ахволинг сенинг»

\* \* \*

То хусн боги ичра очилди гулунг сенинг,  
Бўлдум фигону нола килур булбулунг сенинг.

Бўлди тириклигим сабаб биларинг мени;  
Хайвон суйидин ўзга эмастур мулунг сенинг.

Бошига эвуурур бори оламни чархдек, —  
Етмай бошингда эврулубон кокулунг сенинг.

Кўрсат сочингни, йўкса паришон бўлур кўнгул;  
Жамъиятига боис эрур сунбулунг сенинг.

Хохи иноят айла Убайдига, хохи зулм;  
Эй подшохи хусн, бўлубтур кулунг сенинг.

\* \* \*

Васлидин навмед этиб кўнглумни махжур айладинг.  
Мени расволиг била оламга машхур айладинг.

Эндуруб базми висолингга мени махжурни,  
Айш жомидин хазин кўнглумни масрур айладинг.

Килмасам андишаи хижрон, мени айб этмаким,  
Еткурубон давлати васлингга маъзур айладинг.

Мехмонлиг расми бирла келиб, эй султони хусн,  
Хажр бузгон байтул ахзонимни маъмур айладинг.

Эй Убайдий, ўзга сори килмадинг харгиз назар,  
То ўзунгни нозир айлаб, они манзур айладинг.

\* \* \*

Кўнгулки, чархи фалакка етар фигони анинг;  
Фигони бирла чикарга етишти жони анинг.

Гул ани бирла они даъви айлагач, ўтдек,  
Хам ани ўртади, гулшан ичинда они анинг.

Кил учи инчка белидин, — дедим нишон топилур:

Топилмади, — нечаким истадим нишони анинг.

Чикиб мунааввар этар меҳр баркидин хар тун, —  
Каронгу кўз эвини ёри меҳрибони анинг.

Кетор, согинма Убайдийни остоningдин,—  
Губор бўлса доги жисми нотавони анинг.

\* \* \*

Сенга не бўлгай анинг оллида вафо килсанг;  
Вафо юзудин анга мени ошно килсанг.

Икки жаҳон гамидин бир йўли кутулсанг магар,  
Кўнгулни халкайи зулфунгга мубтало килсанг.

Висолила кувонар гайр, эй фалак нетти, —  
Фирок дуди била юзини каро килсанг.

Ракиб кўзига, тонг йўқ, хасаддин ўлсам, агар, —  
Вафо килиб анга, яар дам манга жафо килсанг.

Замона масъиятин найласун Убайдий, агар —  
Карам юзидин ўзунгга они гадо килсанг.

Ошик ўлгон кишиларнинг назари пок керак;  
Они билмакка доги фахм ила идрок керак.

Ишқдин гунча киби кўнгли тўла кон керак;  
Юзи хам сорику гулдек якоси чок керак.

Ишқ жон бермаку бош ўйнамоку куймакдур;  
Ошик ул ишларида чобуку чолок керак.

Ишқ ошифтаси ошик кишининг охича —  
Сўзлари дардлику кўзлари намнок керак.

Сўз Убайдига дема ўзга хабибидикким,  
Анга ахбоб аро Хожаи Лўлок керак.

\* \* \*

Васлингга еткурмасанг, жоно, мени маъдум кил;  
Ё келиб хажрингда не холим борин маълум кил.

Хидматядин килма, ёраб, бандани бир дам йирок;

Мени анга ходиму они манга маҳдум кил.

Хеч кимни онинг оти бирла мавсум этмадинг;  
Лутф этиб, ёраб, мени ул исм ила мавсум кил.

Махрами хос айлабон васли харимига мени,  
Кимки номахрам эрур, доридин маҳрум кил.

Билдур, эй, гар десанг ул ойга кўнгул ахволини,  
Шархи бирла, эй Убайдий, номада маркум кил.

\* \* \*

Лутфу эхсонимни кам жонимдин, эй жон, килмагил;  
Мендин ўзга хеч кимга лутфу эхсон килмагил.

Салтанат ахтарларин рўйин киби жамъ айладинг;  
Хам наботул-гашдек, ёраб, паришон килмагил.

Бўлдилар бу жамъ бир-бирнинг васли бирла шод;  
Ушбуларни мубталойи дарди хижрон килмагил.

Соклогил бу жамъни турлук балодин хар нафас;  
Музтариб ахвол этиб, маҳзуну хайрон килмагил.

Эй Убайдий, факр мулкин тенгриким берди санга, —  
Хар замон андешаи мулки Сулаймон илмагил.

\* \* \*

Эй кўнгул, жоми мухаббат ёр ила нўш айлагил;  
Андин ўзга хар неким бордур — фаромуш айлагил.

Неча ёлгуз май ичарсен, эй нигори нўшлаб,  
Ошики бечора бирла кадах нўш айлагил.

Олами хушёрдин кўнглумиз бўлди малул;  
Бир сўнуб лаълинг майдин бизни мадхуш айлагил.

Достонимни ёзиб илкингда, эй лайливашим,  
Ўку, ман Мажнун киби бир-бир они гўш айлагил.

Эй Убайдий чун масал будурки, сўздин сўз тугар;  
Сўз эшиитмак гар десанг, бир лахза хомуш айлагил»

\* \* \*

Даво фирокинга, жоно, висол эмиш, билдим;  
Вале висолинга етмак махол эмиш билдим.

Малол жонга кўнгулдин, кўнгулга жондин хам;  
Манга доги бу иковдин малол эмиш, билдим.

Каманд зулфини айлаб, кўнгулни сайд этган —  
Кўзи каро, ўзи турфа гизол эмиш, билдим.

Бафо жафо (га) эваз кўнглума килиб дедиким,  
Жафо шикастага килмок вубол эмиш, билдим.

Хамиша ишк тарикин сўрунг Убайдийдин,  
Ки ишк фаннида сохибкамол эмиш билдим.

\* \* \*

Шукрким, охир ўзумни итига ёр айладим;  
Кўрсатиб меҳру вафо анга, вафодор айладим.

Сир анга фош этмас эрдим, — билсам изхор айладим  
Мен анга асрар дебон сирримни изхор айладим.

Зулфини кўргач, хазин кўнглумни топшурдум анга.  
Куч била бир номуродни гар гирифтор айладим.

Тирногимни тез этиб ширин лабининг ишкида,  
Охким, Фарходдек кўксумни афгор айладим.

Эй Убайдий, ул пари пайкарга ўзни зор этиб,  
Ўзгалардин бир йўли кўнглумни безор айладим.

\* \* \*

Ёрдин бир лахза айрилмок хаёлин килмадим;  
Шукрким, андин замоне ўлмайин айрилмадим.

Гайрга котилмогим бордур манга ўлумчаким,  
Кўрмадим юзун анинг, бориб анга котилмадим.

Бу не май эрдики, сокий лутф этиб туттунг манга,  
Умрлардурким, хуморидин анинг ойилмадим.

Гунчадек оғзи била нарғиз кўзи хажрида, ох,  
Кулмадим хам гул киби, хам гунчадек очилмадим.

Эй Убайдий, васл шоми күзгудек дийдоридин —  
Мени маҳрум айлади моҳим, гуноҳим билмадим.

\* \* \*

Кўрар кўзимсан, эй жону жаҳоним;  
Севар ёрим, азизим меҳрибоним.

Тараххум килки, бўлди хоки роҳинг  
Тани фарсада, жисми нотавоним.

Кўнгул уйин бузар сели сиришким,  
Хам ўтлук нолаю оҳу фигоним.

Сенинг ишқингда Мажнун киссасидек,  
Эл ичра топти шуҳрат достоним.

Убайдийга топилмас олам ичра  
Сенингдек мушфик, эй ороми жоним.

\* \* \*

Севаримсен сен менинг, эй дилситоним, туконим:  
Жони йўқ жисм ичра жон ўрнига жоним, туконим.

Кўрсат ул коматниким, тортай наво булбул киби,  
Васл гулзоринда, эй сарви равоним, туконим.

Меҳрибонлиг кўрсатиб, доим манга тукконлиг эт:  
Мехр мулки ичра сенсен меҳрибоним, туконим.

Топмадим гурбатда бир маҳрамки, розимни десам:  
Койдасен, эй маҳрами рози ниҳоним, туконим.

Талх ком этти Убайдийни фирокинг бодаси;  
Чучут онинг оғзнни. ширин забоним, туконим.

\* \* \*

Чу меҳринг бор доим манга, дерман: «Ёр бўлгайсан!»  
Манга чун кўз солурсен, меҳр, доим бор бўлгайсен.

Мени зор эттинг, эй кўнгул, даме ул ой жамолига;  
Илохи, сен доги мендек бирорвга зор бўлгайсен.

Карогим пардасин, эй ёр аёги, поймол айла, —

Гахи күркай тикиб, гулбарги афгор бўлгайсен.

Тўкуб конимни, бир дам етмай ичдинг, вах, ажабдурким  
Даме ўтмай мунунгдек котили хунхор бўлгайсан.

Агар мискин Убайдий бар еса гули висолингдин,  
Хамиша бахту давлат бирла бархурдор бўлгайсан.

\* \* \*

Каро кўзум, не бало бевафолиг айларсен;  
Кўзумдин ўт чикориб, кўз каролиг айларсен.

Ўзунг дегондек этибсен улусни, эй бадхў,  
Ажаб фарогат ила подшолиг айларсен.

Мудом савмаада май ичарсен, эй зохид.  
Хамиша эл кошида порсолиг айларсен.

Мени шикастагаким айла ошнолигни.  
Ракибларга не кўп ошнолиг айларсен.

Юзунгни goх Убайдийга, goх кўзгуда —  
Аён килиб не бало худнамолиг айларсен.

\* \* \*

Кўнглум гамидин неча килай оху фигон мен,  
Девона кўнгул илгода дармондаи жон мен.

Ишкингни нечук ёшурайин ахли жаҳондин,  
Ким шухраи шаҳр ўлдуму расвои жаҳон мен.

Мендин не килур эл тилабон пому нишоним,  
Мажнун каби олам аро беному нишон мен.

Юзлангали кўйинг аро кўнглумга амонлиг  
Юз шукрки хар тафрикаву гамдин амонмен.

Тавримни даги не сўрасин, зор Убайдий,  
Яхши била яхшию, ёмон била ёмон мен.

\* \* \*

Фуркат туни айёми висолингни тилармен,  
Хижрон кечаси шамъи жамолингни тилармен.

Хайвон суйини Хизр күзум кошида кўйса,  
Найлай ани, кўзумга зулолингни тилармен.

Гар жону кўнгул килса талаб холу хатингни,.  
Мен жоду кўзунг бирла хилолингни тилармен.

Тўби кадини кўрмака фирмавс аро кирсам,  
Тўбидин ўтуб тоза нихолингни тилармен.

Зулфунгга Убайдий каби кўнглумни берибмен  
Жоним кушидек донаи холингни тилармен.

\* \* \*

Жовидон лаълинг ўлукни тиргузур, эй дилситон;  
Васлингга етсам топар эрдим хаёти жовидон.

Оразу зулфу кадинг кайгусидин хижрон аро,  
Жисмим эрур нотавон, кўнглум хазин, озурда жон.

Жилвагар бог ичра асру гул узорим бўлмаса,  
Гул каби йиртиб яко, булбулдек айлармен фигон.

Айладинг гам тиги бирла, эй жигар парголаси,  
Лоладек багримни чоку гунчадек кўнглумни кон.

Эй Убайдий, баҳравар бўлсун нишотингдин улус,  
Токи бордур дахр аро бу чархи хазролин нишон.

\* \* \*

Ишкингда сенинг гулгула оламга солурмен,  
Ишкинг сипохи бирла бу оламни олурмен.

То туштум ирок хасрат ила кошу кадингдин,  
Хажрингда гах икки букулуб, гах узолурмен.

Юз заъф ила итингга яна эргашиб, эй ёр.  
Холи борамен, тангри билур, кайда колурмен.

Бошим окарибтур, менга раҳм айлаки бошдин,  
Ишкингни аён этмаса, элдин уялурмен.

Кўл кўйма сўнгак бўлган этим узра, Убайдий;  
Этимга илик тегса, сўнгакдек ушалурмен.

\* \* \*

Эй фалак, туштум айру жонимдин:  
Кечалар мохи меҳрибонимдин.

Дер эдим солма (гай) мени даврон  
Ойириб умри жовидонимдин.

Етмадим бот висолига охир,  
Кечмайин жони нотавонимдин.

Мени бир дам ойирма, эй гардун,  
Фитнаи охирул — замонимдин.

Эй Убайдий, не ранж кўрмаймэн  
Ойру ул шўхи дилситонимдин.

\* \* \*

Кўнглум била дилдорни мен ёд этадурмен,  
Хотирни доги ёди била шод этадурмен.

Бедод этадур жонима дилдор, нетайким,  
Демас: — «Нега бу хастага бедод этадурмен».

Фарёдки, фарёдима етмас, нетай, ул шўх,  
Хар нечаки хижронида фарёд этадурмен.

Шод айлаб анинг ёди била хаста кўнгулни,  
Ўзумни гаму гуссадин озод этадурмен.

Зухду вараим дафтарин, эй banda Убайдий,  
Бир-бир килибон, ишкида барбод этадурмен.

Бир лахза кўнглум ўлмади бегам замонадин;  
Тўйди замона мендину мен хам замонадин.

\* \* \*

Етмай кўнгулга, эй хамдамим, етар —  
Юз минг гаму алам анга хар дам замонадин.

Жамъиятики бор эди кўнглум диёрида,  
Ул доги бўлди бир йўли дархам замонадин.

Күнглум гули бу гулшан аро сүргали даме,  
Умрум нихоли бўлмади хуррам замонадин.

Мархам жарохатингга, Убайдий, тиларни кўй,  
Етмас жарохат ахлига мархам замонадин.

\* \* \*

То ошик ўзумни санга, эй ёр, этибмен,  
Ишкинг йўлида ишқ камолига этибмен.

Эй гайр, неча жавр килурсен манга хар дам;  
Ушшок аро билмон санга мен, ёр, нетибмен.

Дерсенки, онинг хусни пари хуснига борму?  
Кўрмаймен онинг хуснини, аммо эшитибмен.

Гунча киби пайконлик ўки кўнглума етгач,  
Пайконин анинг ох ўки бирла таротибмен.

Кўй бошидин бошим олиб жаврига турмай,  
Саргашта Убайдий киби, эй дўст, кетибмен.

Кочибки шах бача кетти Хири диёриндин,  
Халос бўлди улус шианинг шиориндин.

\* \* \*

Туарга чора топа олмайин, кочиб кетти;  
Кетарга майли йўц эрди ўз ихтиёриндин.

Не иш умр ила, не рўзгор ила бўлди;  
Тўюбтур эрди ямон рўзу рўзгориндин.

Солиб эвини, кочиб борди тулкудек, ох,  
Таваххум айлабон ул шернинг шикориндин.

Иши бўлуб келадур яхширок Убайдийнинг;  
Йилики, яхши келур, билгуур бахориндин.

\* \* \*

Гулдек юзунг ёндошти гули аргувон билан;  
Гул киби чандин ичим тўлди кон билан.

«Лаълимга жону зулфума кўнглунгни бер»,— деса,

Күнглум билан берурмен они, муни жон билан.

Ити билан талошур эрмиш гайр, хайфким, —  
Яхшининг иши тушмасун асло ямон билан.

Бир гулузор кўйида бордур ишим дей;  
Йўктур ишим жаҳонда гулистан билан.

Ном-нишон эл ичинда Убайдийдин истаманг,  
Ким йўқтурур анинг иши ному нишон билан.

\* \* \*

Гам ели осибидин сарви кадинг хам бўлмасун.  
Сарв янглиг бошинг узун бўлсуну кам бўлмасун.

Давлати васлингдин ўлсун хотирим хар лахза шода  
Фуркатинг кайгусидин кўнглум аро гам бўлмасун.

«Хар не килсанг ихтиёринг бер!»— демассенким манга;  
Бўлмаса меҳру вафо, жавру ситам хам бўлмасун.

Гар бўлурсен хамдам, эй Исо нафас, мен хастага,  
Сендин ўзга мунису гамхору хамдам бўлмасун.

Эй Убайдий, ул париваш зулфининг савдосидин  
Мен киби ошифга-у расвойи олам бўлмасун.

\* \* \*

Субхи васлингдур мени хар кеча бедор айлаган.  
Хажр шомидин халос айлаб, санга ёр айлаган.

Сен бировга мулк берсанг, ккм бўлур монеъ санга  
Сен азиз этган кишини ким эмиш хор айлаган?

Бору йўкумдин санга бўлгай, эй яздони пок.  
Борини йўқ айлаган сен, йўкни хам бор айлаган.

Гулшани хусн ичра, эй сарви сихи, гуллар очиб,  
Сарв бўйлуклар аро сенсен мени зор айлаган.

Новаки мижгон бирла ханжари хунрезидур, —  
Эй Убайдий, нотавон жисмимни афгор айлаган.

\* \* \*

Эшитиб ракам кўйи садосин,  
Тилармен ул чаман обу хавосин.

Балойи хажрида бўлдум гирифтор;  
Халос этмас балодин мубталосин.

Ўзига ёр этиб бегоналарни,  
Килур бегона ўздин ошносин.

Ўзумдин кеттиму бордим, эшиттим, —  
Такаллум вактида нозук адосин.

Убайдий мотамн догида куйди,  
Хануз олмай дурур доги каросин.

\* \* \*

Бахор келмайин гулузор келгайму?  
Чаманда гул била онсиз баҳор келгайму?

Етибмен ўлгали ул гамгузор фаркидин;  
Гамини сўргали ул гамгузор келгайму?

Бу сори сурмаса елдек самандин ул чобук,  
Кўзумга рахгузаридин губор келгайму?

Йўлида кон ёш ила лолалар сочибурмен;  
Кўра-кўрай они, кошимга ёр келгайму?

Карор топса кўнгул ёр кўйида бир дам,  
Убайдиё, яна ул бекарор келгайму?

\* \* \*

Шамъ эрур парвонанинг холига гирён хар кеча.  
Йигларам они сўруб мен хам фаровон хар кеча.

Ахду паймонни танимас тонгга будур турфаким,  
Жону кўнглум бирла айлар ахду паймон хар кеча.

Кўргали хусн авжи узра мохи тобоним анинг,  
Уялиб юз ёшурур хур shedi тобон хар кеча.

Анбар афшон зулфининг савдосидин Мажнун бўлуб,  
Сўз ўз-ўзумга айттурмен паришон хар кечади.

Тортамен уммэд ила хар кун фироки дардини,  
Васлидан килгайму дэб дардимга дармон хар кеча

Айларам бкр гул гамидин нотавон булбул каби,  
Тинмайин хар лахза тонг откунча афгон хар кеча.

Холима раҳм айламай кўнглим кушин парвонадек,  
Эй Убайдий, ўртар ул шамъи шабнston хар кеча.

\* \* \*

Айб эмас мендин агар айласанг, эй ёр, гила\*;  
Сендин ўзга кишига айласам изхор гила.

Зохир этмон гила сендин кишига, — ўлсам агар  
Хотиримда гила сендин йўқ эмас, бор гила.

Гила сен айламасанг, бок эмастур мендин —  
Ўзгаларга нечаким айласа агёр гила.

Гоҳ-гоҳи гила килмок хуш эрур ёриндин;  
Яхши йўқ айламак эл кошида бисёр гила.

Кўз учи бирла назар холинга килмок тиласанг,  
Эй Убайдий, кошида айлама бисёр гила.

\* \* \*

Неча ул ой жонимга жавру бедод айлагай,  
Ўзгаларни шод айлаб, бизни ношод айлагай.

Кўрсат, эй кўнглум, бориб ўзингни ул дилбаргаким.,  
Шояд ул соат сени кўргач, мени ёд айлагай.

Оҳким гам селидин вайрон эрур кўнглум уйи,  
Эмди ул вайронаники бўлгай обод айлагай.

Ишк иш андок килай даврингда, эй лайли вашим,  
Не они Мажнун кила олгай, не Фарход айлагай.

Эй Убайдий, йўқтур андок дилбари олам аро,  
Нотавон кўнглумни гам кайдидин озод айлагай.

\* \* \*

Жон чекиб васлига, эй жон, етгай эрдим кошки;

Бир нафас ширин сўзи эшитгай эрдим кошки.

Истабон еттинг висоли давлатига, эй кўнгул;  
Истай-истай они мен хам, кетгай эрдим кошки.

Новакинг пайкони кўнглумдин ўтмасдин бурун,  
Шуълалиг охим била эритгай эрдим кошки.

Моневим агёр эмиш, эй дўстлар, бор итлари;  
Барчасин ўзума ёр этгай эрдим кошки.

Эй Убайдий, нотавон кўнглум кушининг сайдини,  
Ёрнинг фитрокига беркитгай эрдим кошки.

## КИТЪАЛАР

\* \* \*

Дўстлар, ихтиёр гулшанда  
Айшу ишрат била нишот килинг.  
Чунки шарт ўлди ихтиёт этмак,  
Шарти боринча ихтиёр килинг.

\* \* \*

Ошнолик килиб ямон кишига,  
Сен ямон сўз неча эшитгайсен.  
Тура олмай анинг сўзига, яна  
Бош олиб бир сорига кетгайсан.

\* \* \*

Душманинг хар неча килса зорлиг,  
Рахм килмиш бўлма онинг холига,  
Колу кили бирла кул айлар сени,  
Бўлмагил сен кул килу колига.  
Тишлади охир надомат бормогин,  
Ким инонди эрса онинг олига.

\* \* \*

Насихат гар эшитсанг носихингдин,  
Ёвумасдур сенга харгиз надомат.  
Вале панд олмасанг, юзлангусидур  
Санга хар соридин юз минг маломат.  
Куярсөн хам надомат ўти ичра

Надомат ахли янглиг то киёмат.  
Саломат ахлидек олиб насихат,  
Саломат бўл, саломат бўл, саломат.  
Насихат ганжини ўз лутфи бирла  
Убайдийга худо килди каромат.

\* \* \*

Дўсгнинг узрини кабул этмак  
Дўстлукнинг улуг нишони эрур.  
Кимки килмас кабул узри анинг,  
Билким, ул дўстнинг ямони эрур.

\* \* \*

Гар уруш тушса ики хамдам аро,  
Бот анинг тадбирини этмак керак.  
Биридин айб ўлса зохир, ул бири —  
Узр айтиб, айбини ёпмак керак.

\* \* \*

Ўзунгдин яхширок гар бўлса ёринг,  
Бўлурсен олам ичра подшо сен.  
Агар бўлса ямон ёрингким, ўлгунг —  
Гадолардек ямон юзлук, гадо сен.

\* \* \*

Ўқ киби туз бўлса хар ким, солур ўзинг илгари;  
Ё киби ким эгри бўлса, ўзин солур кейин.

Ўкни кўрким, тузлукдин илгари борур мудом.  
Ёни бокким, эгриликдин муттасил колур кейин.

Ризо ато ва аносин хар ўгулким этар,  
Худо ризо бўлуб ондин хам айлар они калил.

Олиб насихатину тутса иззатда аларни,  
Жаҳонда иззати ортиб, бўлур азизу жалил.

Угилким, ондин алар бўлмади ризо, билким,  
Хамиша окадурур (?) халк ичинда хору залил.

Далиликим кимки тиласа бу жонга, бор дурур  
Худо каломию Хазрат хадиси анга далил.

## ТҮЮКЛАР

\* \* \*

Сүгд ичинда ўлтурубтур ёбулар,  
Ёбуларнинг минган оти ёбулар.  
Ёбуларнинг илгидин эл тинмади,  
Ёбулар турсун бу ерда ё булар.

\* \* \*

Сайр этарда гулзорим богини,  
Богламас гулгун кабойи богини.  
Буздилар барча улусни богилар,  
Тангри йўқ ёткай, илохи, богини.

\* \* \*

Ёрама ул ой мархам ёкмади,  
Охким, анга не ўтлар ёкмади.  
Ўзгаларга ёкти ул таври анинг,  
Ким анинг ул таври манга ёкмади.

\* \* \*

Ул пари мажнун кўнгул жононидур,  
Кўнгул ўзидур анинг, жон онидур,  
Манга мунча лутфу каҳринг ёр эгач,  
Жонима жавр этмакинг, жоно, недур?

\* \* \*

Эй йигитлар, яхши-яхши от олинг.  
Яхши отлар бирла яхши от олинг.  
Яхши отмоклик хунардур ўкни хам,  
Эл кўринча ўкни яхши отолинг.

## РУБОИЙЛАР

Хар кимки туз этса ниятин, рахмат анга.  
Хак ниятига кўра берур давлат анга.  
Хар кишини тузлук айламаса ниятини,  
Хосиятин ул навъ берур ният анга.

\* \* \*

Кайгу аламидин кеча йўқ уйку манга;  
Оламни каронгу айлади кайгу манга.  
Мен мундок ўлуб, ракиблар шод ўлуб,  
Ортукси бало эмасмудурур ушбу манга.

\* \* \*

Кўргуз манга ул шўх вафосин, ёраб,  
Кўргузма анинг манга жавосин, ёраб.  
Ёраб, не дуо килурсен ўз лутфунг ила  
Бу кулнинг ижобат эт дуосин, ёраб.

\* \* \*

Зинхор адаб ўрганинг, эй ахли талаб,  
Ким бордур адаб гули саодатка сабаб.  
Шайтонки, адабсиз эрди, колди маҳрум,  
Одамни кўрунг, — не ерга еткурди адаб.

\* \* \*

Эй дўст, даме бўлмади гамдин кутулуб,  
Мазлум киби зулму ситамдин кутулуб,  
Фарёду фигону охким, бўлмас эмиш, —  
Улмай ситаму гаму аламдин кутулуб.

\* \* \*

Ориф кишилар элга котилмайдурлар,  
Тенгри деганидин ўзга килмайдурлар.  
Нодонлар аларни кўзга илмайдурлар,  
Хеч кимса алар узрини билмайдурлар.

\* \* \*

Мажнун ишидин ул кишиким оғаҳдур,  
Ушшок аросинда Убайдуллаҳдур,  
Пайваста жунун ахли эрур хамроҳ анга,  
Ул раҳбар эрур аларга-у хам шаҳдур.

\* \* \*

Булбулга дедимки, гул яна сўлгусидур,  
Кўнглунг гаму андух била тўлгусидур.  
Булбул деди: «Эй дўст,— манга нола килиб,—  
Такдири худой не бўлса, — ул бўлгусидур».

\* \* \*

Эй ёр, күнгүл ишини бузуб бўлмайдур,  
Агёр жафосига тўзуб бўлмайдур.  
Хар неча узай кўнглумни дермен сендин,  
Сендеқ кишидин кўнгул узуб бўлмайдур.

\* \* \*

Гар етса жафо, демаки жонондиндур,  
Хам тушсанг ирок, демаки хижрондиндур.  
Хакдин кўр ани-ю ўзгалардин кўрса,  
Хар воеаким воеъ ўлур — ондиндур.

\* \* \*

Ахбоб келиб, котимда ўлтурмадилар;  
Холимги билиб, ёрга билдурмадилар.  
Сўргали экин, — дедим,— фирокинда мени,  
Сўрмок не бўлур, кошимда хам турмадилар.

\* \* \*

Ўтуб борадур шиддат или умр, эй ёр,  
Ранжу аламу меҳнат или умр, эй ёр.  
Афсус, афсус, кўз юмуб очкунча  
Ўтти-кетти гафлат или умр, эй ёр.

\* \* \*

Дунёлигинга ишонмаким, кетгусидур»  
Давлат доги хар сори мафар этгусидур.  
Магур кой элки бўлса дунёлигина,  
Охир хамул — ўқ бошларига етгусидур.

\* \* \*

Сабр этса киши, муродига етгусидир,  
Ўзини сабур ахлидин этгусидур.  
Сабр этмакидин анга этиб хуррамлик,  
Гам хайли анинг хотиридин кетгусидур.

\* \* \*

Гайрат юзидин кимки килич урса мудом,  
Олгусидур мулк арусидин ком.

Ёр этса агар адолат атмакни анга,  
Шак йўкким, олур адл ила оламни том.

## ХИКМАТ

\* \* \*

Аё дўстлар, жондин кечиб, ишқ эркин туттум мано.  
Вахдат майин ичкунча не хуноблар юттум мано.

Уч юз олтмиш дарё ўта, юрмай киши суд айламас,  
Тўрт юз кирк тўрт тогдин ошиб, борисидин ўттум мано.

Восил мени васлига ул килди, муродим васл эди,  
Юз минг шукр хам дам анга, максудима еттум мано.

Чун носиваллах кўйида истаб мени топмас киши,  
Бас, ўзга ерда истангиз, ул кўйдин кетгум мано.

Солик топа олмас нишон мендин талаб водисида;  
Эй Кул Убайдий, жон киби истай ани, еттум мано.

## МАСНАВИЙЛАР

Койинини давлати янга эрур, ёр-ёр,  
Иzzatiю хурмати янга эрур, ёр-ёр.

Койинини янгасин олгусидур, ёр-ёр:  
Ой юзунга кўзларин солгусидур, ёр-ёр.

Урса сафойи анинг, шайдо бўлур, ёр-ёр,  
Гояти йўк мехр анга пайдо бўлур, ёр-ёр.

Бир-бирига меҳрибон бўлгусидур, ёр-ёр.  
Бир-бири меҳри билан тўлгусидур, ёр-ёр.

Янга муунунгдек зариф бўлмас эмиш, ёр-ёр.  
Хулкию хусни латиф бўлмас эмиш, ёр-ёр.

Тойинини, янганинг кадрини бил, ёр-ёр:  
Билиб ан.инг кадрини, шукрини кил, ёр-ёр.

Нуктасига бу сўзнинг етмак керак, ёр-ёр.  
Иzzatinи яхширок этмак керак, ёр-ёр.

\* \* \*

Сарв кадлар сарвари гулчехрадур, ёр-ёр,  
Дилраболар дилбари гулчехрадур, ёр-ёр.

Гулчехралар бирла бог гулшан эрур, ёр-ёр.  
Гулшан аро сиз мудом гулхан эрур, ёр-ёр.

Гулчехралар исидин тўлди жахон, ёр-ёр,  
Бошдин-оёқ муаттар бўлди жахон, ёр-ёр.

Гулчехралар комати тўби эрур, ёр-ёр.  
Жаннат аро тубининг хўби эрур, ёр-ёр.

Сарви сахийдек бўйи нозик эмиш, ёр-ёр.  
Бўйи каби хам хўйи нозик эмиш, ёр-ёр.

Мехрки гулдин аён бўлгусидур, ёр-ёр.  
Булбулу гул меҳрибон бўлгусидур, ёр-ёр.

Бир-бирининг кадрини билса керак, ёр-ёр.  
Айлагуси шукрини килса керак, ёр-ёр.

Нашрга тайерловчи — филология фанлари доктори А. Хайитметов  
Тошкент. «Ёзувчи» нашриёти. 1994